2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

27-28 (629-630)

2008 йил 9 июль

Чоршанба

# Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Томорқада етилган неъмат — беминнат!

▶ Устадан ўзишни кўзлаган шогирдлар

3 ▶ Посбонлик чин ватанпарварлар юмуши!

▶ Маҳалла тинчлиги учун ким масъул?

4 ▶ Соатнинг ихтирочиси ким?

▶ Сохта мусофирнинг муддаоси не?

саҳифада

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ҚАРОРИ

# Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида

***Униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқалари, тасвирий санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш, бошланғич мусиқий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш ҳамда замонавий моддий-техник базасини шакллантириш, уларни мусиқий маданият ва санъат соҳасидаги юқори малакали педагог кадрлар ва мутахассислар билан таъминлаш мақсадида:***

**1.** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг болалар мусиқа ва санъат мактабларини, шунингдек, Р.Глиэр номидаги ва В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

бошланғич мусиқий таълимни ташкил этиш ва унинг ривожланишини таъминлаш, ушбу йўналиш бўйича мутахассислар ҳамда педагогларнинг маҳорати ва малака даражасини ошириш;

болалар мусиқа ва санъат мактабларида таълим тизимини такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маданий савиясини юксалтириш, улар орасида истеъдодларни ҳар томонлама ривожлантириш, ёшларнинг миллий ва жаҳон санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

Р.Глиэр номидаги ва В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейларининг моддий-техник ҳамда умумтаълим ўқув базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашни, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш.

Р.Глиэр номидаги ва В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейларининг касбий йўналишига оид фаолиятини ўқув-методик жиҳатдан таъминлаш вазифаси Ўзбекистон давлат консерваторияси зиммасига юкланиши белгилаб қўйилсин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 7 январдаги Ф-2908-сонли фармойишига биноан тузилган Республика комиссияси томонидан ишлаб чиқилган Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган, қуйидаги масалаларни ўз ичига олган Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб юритилади) тасдиқлансин:

2009-2014 йилларда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятини янада яхшилаш тадбирлари 1-иловага мувофиқ;

2009-2014 йилларда янгитдан қуриладиган ҳамда капитал реконструкция қилинадиган болалар мусиқа ва санъат мактабларининг асосий параметрлари 2-ва 3-иловаларга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси "Даврархитектқурилиш" қўмитаси ва Халқ таълими вазирлиги томонидан болалар мусиқа таълими соҳасидаги мутахассис ва педагогларни жалб этган ҳолда, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг 1-типи учун 200 ўқувчига ва 2-типи учун 150 ўқувчига мўлжалланган иккита намунавий лойиҳа ишлаб чиқилгани маълумот учун қабул қилинсин.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларини капитал реконструкция қилиш Ўзбекистон Республикаси "Даврархитектқурилиш" қўмитаси ва Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган 1-ва 2-типдаги намунавий лойиҳаларга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилиши лозимлиги белгилаб қўйилсин.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ушбу қарорга биноан тасдиқланган Давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирлар белгиланган муддатларда самарали ва сифатли бажарилишини таъминласин;

ҳар йили Инвестиция дастури лойиҳасини ва қурилишларнинг манзилли рўйхатларини шакллантиришида болалар мусиқа ва санъат мактабларининг аниқ сони ва рўйхатини кўрсатган ҳолда, уларнинг янгиларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш, зарур асбоблар, ускуналар ва инвентарлар билан жиҳозлаш бўйича ишларни молиялаштириш ҳажмларини белгиласин;

2009-2010 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури лойиҳаси ва Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Р.Глиэр номидаги ва В.Успенский номидаги академик лицейларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш учун зарур бюджет маблағлари, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун маблағларни назарда тутсин.

**4.** Болалар мусиқа ва санъат мактабларини янгитдан қуриш учун майдонларни танлашда тасдиқланган норматив ва параметрларга мувофиқ уларнинг, қоида тариқасида, албатта республика туман ва шаҳарларининг турар-жой массивларида жойлаштирилиши ҳисобга олинсин.

*(Давоми 2-саҳифада)*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА 2009-2014 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ 2008 ЙИЛ 8 ИЮЛДАГИ ҚАРОРИГА

## ШАРҲ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёш авлод истеъдодини ҳар томонлама ривожлантириш ва маданий даражасини ошириш масалаларига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида" қабул қилинган қарори ушбу сиёсатнинг ёрқин ифодасидир.

Қабул қилинган ушбу Дастур келгусида фарзандларимизнинг истеъдоди ва қобилиятини ривожлантириш, ёшларнинг миллий ва жаҳон мусиқалари ҳамда тасвирий санъат намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган. Ушбу Дастур моҳияти эътибори билан мамлакатимизда бошланғич мусиқий таълим тизимини тубдан такомиллаштиришни кўзда тутади.

Дастурни 2009-2014 йиллар мобайнида амалга ошириш мўлжалланган. Бу даврда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг замонавий моддий-техник базасини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Бу ўринда Дастурда 136 та янги болалар мусиқа ва санъат мактабини қуриш, фаолият кўрсатаётган 142 та мусиқа мактабини эса капитал таъмирлаш, уларни тобора ўсиб бораётган замонавий талаблар ва намунали лойиҳаларга мувофиқ таъминлаш назарда тутилганини қайд этишнинг ўзи кифоя. Ушбу мактабларни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мусиқа асбоблари, ўқув ва мусиқа ускуналари билан жиҳозлашга катта эътибор берилган. Умумтаълим мактаблари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун мусиқа бўйича ўқув ва услубий қўлланмаларни замонавий мезонлар, ўқув стандартлари ва дастурлари асосида такомиллаштириш кўзда тутилган.

Мазкур Дастурда ҳозирги вақтда болаларни мусиқий таълим ва санъатга жалб этиш мажбурий эмаслигидан келиб чиқилган ҳолда, ўқув жараёнлари орқали уларнинг умумий маданияти ва интеллектуал савиясини ошириш назарда тутилган. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунга қадар ҳамма ота-оналар ҳам ўз фарзандларига мусиқий таълим бериш, уларни санъатга жалб этиш истагини рўёбга чиқариш бўйича реал имкониятга эга эмас эдилар. Фаолият кўрсатаётган мусиқа мактабларининг моддий базаси тобора ортиб бораётган талабларга тўла жавоб бермайди, улар мусиқа ва санъат билан самарали шуғулланиш учун етарли шарт-шароитга эга эмас. Мусиқа мактабларининг 80 фоиздан зиёди мослаштирилган биноларда жойлашган, улар мусиқа асбоб ва ускуналари билан етарли даражада таъминланмаган.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, мусиқа ва санъат билан шуғулланиш болаларни интеллектуал ҳамда маънавий ривожлантиришнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи йўналишларидан бири ҳисобланади, Мамлакатимизда ушбу масалага ғоят жиддий эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов келажак интеллектуал ва маданий томондан юксак тараққий топган миллат ва халқларнинг қўлида бўлиши ҳақида бир неча бор таъкидлагани бежиз эмас, албатта. Қабул қилинган мазкур Давлат дастури ушбу мақсадга эришишда асосий таянч бўлиб хизмат қилади.

Дастурда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун кўзда тутилган катта миқдордаги маблағлар унинг кўлами нечоғлиқ кенглигидан яққол далолат беради. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, дастурни 2009-2014 йилларда амалга ошириш учун 355 миллиард сўмдан ортиқ, жумладан, мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш учун 240 миллиард, уларни мусиқа асбоблари, ускуналари ва инвентарлар билан таъминлаш учун эса 115 миллиард сўм йўналтириш мўлжалланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ушбу мактабларни қуриш ва капитал реконструкция қилиш бўйича ягона буюртмачи сифатида белгиланди. Бу бежиз эмас. Болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ҳамда капитал реконструкция қилиш умумтаълим мактаблари ва болалар спортини ривожлантириш дастурлари билан бевосита боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Бу эса жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол, маънан бой ёш авлодни шакллантиришга қаратилган.

Шуниси ўта муҳимки, ушбу маблағлар, аввалambor бошланғич мусиқий таълимнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги турдаги муассасалари бўлмиш мусиқа ва санъат мактабларининг амалда янги ва замонавий моддий-техник базасини яратишга йўналтирилади. Мусиқа ва санъат мактаблари қуришга республикамиз туман ва шаҳарларидаги турар-жой массивларидан жой ажратиш кўзда тутилмоқда. Бунда уларни нафақат вилоятлар марказлари, балки энг аввало қишлоқларда болаларнинг яшаш жойларига имкон қадар яқин бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, қабул қилинган қарорда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг Давлат дастурида белгиланган мақсадларга тўлиқ жавоб берадиган моддий-техник базасини ташкил этишга катта эътибор қаратилган.

*(Давоми 2-саҳифада)*

Ҳар маҳаллада ҳар юмуш

**Тошкент вилояти**

# ЭЛ-ЮРТ МАНФААТИ УСТУВОР

***Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамкорлигида божхона қонунчилиги бузилишининг олдини олиш мақсадида юртимизнинг қўшни давлатлар билан чегарадош туманларида жойлашган маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиб, божхона ва ҳуқуқ-тартибот тизими ходимлари ва кўп сонли фуқаролар иштирокида жонли мулоқотлар ўтказилмоқда.***

Ана шундай тадбирлардан бири Бекобод туманида бўлиб ўтди. Унда божхона ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари, посбонлари ва фаоллари иштирок этишди.

— Бекобод тумани қўшни республика билан чегарадош ҳисобланади, — дейди Тошкент вилояти божхона бошқармаси масъул ходими Фарҳод Бўронов. — Юртимиз сарҳадлари орқали товар моддий бойликларининг олиб ўтилишини тартибга солиш божхона тизими ходимлари зиммасидаги вазифадир. Лекин вазифаларимиз қўлами бу билан чекланмайди, албатта. Чунки, фуқароларга божхона қонунчилиги, амалдаги тартиб-қоидалар тўғрисида етарлича тушунтириш бермасдан туриб, уларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш қийин. Шу боисдан аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказишни кўпайтириш ва жонлантириш орқали фуқароларнинг соҳага доир билим ва кўникмаларини ошириш божхона хизмати фаолиятининг самарадорлигини таъминловчи омиллардан биридир.

— Маълумки, заминимизда етиштирилаётган нозneъматларга қўшни мамлакатларда ҳам талаб кучли, — дейди Давлат божхона қўмитаси бўлим бошлиғи Алижон Абдураҳмонов. — Халқимиз эҳтиёжидан ортган мева-сабзавотларни қонуний йўл билан четга чиқариши мумкин, албатта. Бунинг учун барча ҳуқуқий асослар мавжуд. Лекин, айрим «тадбиркор»лар мўмай даромадни кўзлаб деҳқонларимиз меҳнати эвазига етиштирилган неъматларни ноқонуний тарзда четга чиқаришга интиладилар. Учар тадбиркорлар орасида чет мамлакатларда ишлаб чиқарилган, яроқлилик муддати ўтиб кетган, яъни истеъмолга яроқсиз турли озиқ-овқат маҳсулотларини юртимизга олиб киришга уринадиган қонунбузарлар ҳам йўқ эмас. Улар ўзлари олиб келаётган сифатсиз маҳсулотлар юртдошларимиз саломатлигига жиддий хавф туғдиришини билсалар-да, ўз шахсий манфаатлари йўлида қабиҳликдан ҳам тойишмайди. Баъзан чегара ҳудудларида яшовчи аҳоли ана шундай кимсаларга билиб-билмай кўмаклашадилар. Бизнинг мақсадимиз чегара ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолига нафақат фуқаролик бурчини англатиш, энг муҳими, уларнинг ҳуқуқий билимдонлигини оширишдир. Зеро, ўз ҳуқуқ-бурчларини англаган фуқаро эл-юрт манфаатини ўйлаб иш кўради.

Тадбирда иштирок этган «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари Баҳодир Обидов маҳаллалар аҳлини божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан янада яқиндан ҳамкорлик қилишга чақириб, бу ҳамкорлик осойишталикка, фаровонликка, тўкинликка хизмат қилишини таъкидлади.

Худди шундай мавзудаги учрашувлар республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказилмоқда.

**Жамбул КУРБОНБЕКОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

**Тошкент шаҳри**

# Обод бўлган майдончалар

***Юнусобод туманидаги Туркистон маҳалласи фуқаролар йиғини оқсоқоли Омонулла Нурхўжаев маҳалла ободлиги йўлида изланадиган, бирон ишга бел боғласа, унинг самарасини кўрмагунча тинчимайдиган инсонлардан.***

6 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган мазкур маҳаллада 45 та кўпқаватли уй ва 115 та ҳовлижойлар мавжуд. Айни пайтда ҳудудда аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатувчи ҳамда маҳсулот ишлаб чиқарувчи 18 та муассаса ишлаб турибди. Шаҳар ҳокимлигининг махсус қарорига биноан ушбу корхоналарнинг ҳар бирига ободонлаштириш учун алоҳида майдончалар бириктирилган.

Маҳалладаги 1 ва 5-уй оралиғида "Баҳодир-2" ва "Шланзербизнес" савдо корхоналарига бириктирилган майдончаларда олиб борилган ободонлаштириш ишлари натижасида гул кўчатлари, арчалар экилиб, атрофига ўриндиқлар ўрнатилди. Бундан ташқари, кўпқаватли уйларнинг ҳовлисида болалар ўйингоҳлари ва футбол майдончалари барпо этилган.

Яқинда ушбу маҳаллада «Маънавиятимизга таҳдид — ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан Маънавият таргибот маркази Юнусобод тумани бўлими раҳбари Нигора Абдураҳимова, туман ФҲДЁ бўлими, Тошкент шаҳар адлия бош бошқармаси вакиллари ва бошқалар Туркистон маҳалласида амалга оширилаётган ишларни юксак баҳолашди.

— Мазкур учрашувда биз ҳудудимизда ёшлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни чуқур таҳлил этиш имкониятига эга бўлдик, — дейди О.Нурхўжаев. — Қолаверса, тадбирда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган маъруза ҳам ўқилди. Ўйлайманки, ушбу тадбир маҳалламиздаги мавжуд муаммоларни ҳал этишимизда қўл келади.

**Наргис БЕРДИБОЕВА,**
**"Mahalla" мухбири.**

## Mahalla

**— Яна нима дейсиз?**

**— Юртимизда иқтидорли ва истеъдодли ёшлар кўп. Уларнинг қобилиятларини болалигиданоқ камол топтиришга эътибор берилаётганини кўриб, қувониб кетамиз-да...**

**Тошкент вилояти**

# *Етуклик сари одимлаётган ёшлар*

**Янгийўл тиббиёт коллежида нафақат янгийўллик ёшлар, балки вилоятнинг барча туманлари, ҳатто қўшни вилоятлардан келган ёшлар тўртта тиббий йўналиш — акушерлик, даволаш, ҳамширалик иши, ортопедик стоматология йўналишларида таълим олиб, етук мутахассислик сари илк қадам ташлайдилар. Айни кунларда Янгийўл тиббиёт коллежидаги мазкур йўналишлар бўйича мутахассисликка эга бўлган 1036 нафар битирувчига тантанали равишда диплом топширилди.**

**СУРАТДА:** *коллеж директори, тиббиёт фанлари доктори Ҳусниддин Раҳмонов коллежнинг акушерлик йўналиши бўйича битирувчиси сирдарёлик Зарина Ярмонқуловага диплом топширмоқда.*

**Р.ГАЛИЕВ олган сурат.**

**Mahalla**

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

**Нашр кўрсаткичи: 148**

**Бахоси келишилган нархда**

**Таҳририят манзили:** Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

**www.mahalla.uz**

**E-mail:** mahalla.gz@rambler.ru

**Телефонлар:**

Қабулхона — 236-53-93

Тел/Факс: — 233-44-25

Масъул котиб: 236-53-75

Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

**Муассислар:**

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ҚАРОРИ**

# Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)*

**5.** Қуйидагилар белгилансин:

болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш бўйича буюртмачи вазифаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг жойлардаги тузилмалари зиммасига юклатилади;

маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган намунавий лойиҳалар ва лойиҳага тегишли қарорлардан ҳар қандай четга чиқишларга фақат бош лойиҳа институти билан келишилган ва Ўзбекистон Республикаси "Даврархитектқурилиш" қўмитаси томонидан тасдиқланган тақдирдагина йўл қўйилади;

янгитдан қурилган ҳамда капитал реконструкция қилинган болалар мусиқа ва санъат мактаблари объектларини фойдаланишга қабул қилиш 4-иловага мувофиқ таркибдаги Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган сифат стандартлари ва намунавий лойиҳаларга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилади;

болалар мусиқа ва санъат мактабларининг самарали фаолият кўрсатиши, уларнинг ҳар томонлама тўлиқ ишлашини таъминлаш ҳамда малакали педагог кадрлар билан тўлдириш масъулияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги зиммасига юклатилади.

**6.** Қуйидагилар:

молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, намунавий лойиҳаларга асосланмаган ҳамда тасдиқланган қурилиш нормалари ва стандартларига мос келмайдиган янги болалар мусиқа ва санъат мактаблари қуриш ва уларни капитал реконструкция қилиш;

янгитдан қуриладиган ва капитал реконструкция қилинадиган болалар мусиқа ва санъат мактабларида тиклаш ишларини амалга оширишда 2-ва 3-иловаларда кўрсатилган параметрларга қаттиқ риоя қилинсин ва уларни бир тоифадан бошқа тоифага ўтказиш қатъиян тақиқлансин.

**7.** Ўзбекистон Республикаси "Даврархитектқурилиш" қўмитаси Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан биргаликда:

болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш учун тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича ишларни батамом тугатиб топшириш шарти билан танлов пудрат тендер савдоларини ўтказиш ўз вақтида ва аниқ ташкил қилинишини таъминласин;

буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги шартнома мажбуриятлари бажарилиши устидан, жумладан, тасдиқланган намунавий лойиҳаларга, қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ бажарилган лойиҳа ва қурилиш ишларининг сифатига қатъий риоя этилиши устидан қаттиқ мониторинг ўрнатсин.

**8.** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, "Даврархитектқурилиш" қўмитаси раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига:

болалар мусиқа ва санъат мактаблари объектларини қуриш ҳамда капитал реконструкция қилиш манзилли дастурига киритилган объектлар бўйича танлов пудрат тендер савдолари ўз вақтида ўтказилиши;

болалар мусиқа ва санъат мактаблари объектларидаги қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда намунавий лойиҳаларга, шунингдек, тасдиқланган қурилиш норма ва қоидаларига қатъий риоя этилиши бўйича шахсий масъулият юклансин.

**9.** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган Давлат дастурига киритилган болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш ва моддий-техник базасини яхшилаш, шу жумладан, уларни жиҳозлаш учун имтиёзли шартлар асосидаги хорижий кредитлар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни фаоллаштирсин.

**10.** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2015 йилнинг 1 январига қадар Давлат дастури доирасида болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун олиб келинадиган мусиқа асбоблари ва махсус ускуналарга божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

**11.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 7 январдаги Ф-2908-сонли фармойиши асосида тузилган Республика комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан янгитдан қуриладиган ҳамда капитал реконструкция қилинадиган болалар мусиқа ва санъат мактабларининг ҳар йили тасдиқланадиган манзилли рўйхатига тасдиқланган умумий параметрлар доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

**12.** Бошқарув ходимларининг чекланган сонини тегишли равишда кўпайтирган ҳолда:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги марказий аппаратининг тузилмасида 7 кишидан иборат Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси;

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг тузилмаларида болалар мусиқа ва санъат мактабларини мувофиқлаштириш бўйича 2 кишидан иборат бўлинмалар ташкил қилинсин.

**13.** Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев):

болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурининг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг олиб борсин;

ҳар йили ярим йил ва календарь йили якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида тасдиқланган Давлат дастурини амалга ошириш натижаларини муҳокама қилиб борсин.

**14.** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**15.** Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 8 июль*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА 2009-2014 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ 2008 ЙИЛ 8 ИЮЛДАГИ ҚАРОРИГА

# ШАРҲ

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)*

Шу мақсадда республикамизнинг етакчи лойиҳа институтлари томонидан, мусиқий таълим ва санъат соҳасидаги ўқитувчи ва мутахассисларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг икки хил намунавий лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу лойиҳалар мамлакатимиз ва етакчи хорижий давлатлар тажрибасини мужассам этган бўлиб, уларда миллий анъана ва хусусиятлар ҳам ҳисобга олинган. Ушбу намунавий лойиҳалар мактаблар қуриладиган жойнинг ўзига хос хусусиятларини, таълим оладиган ўқувчилар сонини ҳисобга олган ҳолда, 200 ва 150 нафар болага мўлжалланган. Бунда янги қуриладиган ва капитал реконструкция қилинадиган объектларнинг 70 фоизи иккинчи турдаги намунавий лойиҳага тўғри келади. Бунинг сабаби эса мазкур мактабларнинг катта қисми кичик шаҳарлар ва қишлоқ туманлари марказларида жойлаштирилиши билан боғлиқ. Бундан кўзланган мақсад имкони борича кўпроқ болаларни мусиқа ва санъатга жалб этишдан иборат.

Фаолият кўрсатаётган мусиқа ва санъат мактабларини капитал реконструкция қилиш бўйича Дастурда белгиланган чора-тадбирлар бу мактабларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган намунавий лойиҳаларга мос бўлишини назарда тутади.

Қолаверса, молиялаш манбаларидан қатъи назар, намунавий лойиҳаларни қўлламасдан, тасдиқланган қурилиш нормалари ҳамда стандартларига мос келмайдиган янги болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш қатъиян ман этилади.

Болалар мусиқа ва санъат таълими соҳасидаги турли йўналишларнинг ўзаро уйғунлиги ва мувофиқлигининг эътиборга олингани тасдиқланган намунавий лойиҳаларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Масалан, намунавий лойиҳаларда мусиқа ва хонандалик билан якка тартибда ҳамда гуруҳ бўлиб шуғулланиш учун ихтисослашган синфлар қулай тарзда жойлаштирилган. Хореография, миллий рақс билан шуғулланиш учун синфлар ҳам кўзда тутилган. Рассомлик, ҳайкалтарошлик синфлари, компьютер графикаси каби замонавий санъат турлари билан шуғулланиш учун синфлар бор. Ганч ва ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик ва металлга ишлов бериш, зардўзлик буюмлари, макраме, гобелен ва гиламлар тайёрлаш бўйича кўплаб миллий амалий санъат устахоналари мавжудлигини алоҳида қайд этиш даркор.

Бундан ташқари, лойиҳаларда мусиқа ва санъат мактабларида ижодий муҳит яратиш, ёш авлодни баркамол ривожлантириш мақсадида ахборот-ресурс марказлари, назарий машғулотлар синфлари, маънавият ва маърифат хоналари ҳам кўзда тутилган.

Шу билан бирга, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилар ўз маҳоратини намоён этиши, кўргазмалар ташкил қилиниши мумкин бўлган ўзига хос маданият марказларига айланиши лозим. Шу мақсадда намунавий лойиҳаларда кўрик-танловлар ва бошқа маданий тадбирларни ўтказиш учун концерт заллари, шу жумладан, ёзги концерт заллари бўлиши назарда тутилган.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг шу тариқа ташкил этилаётган инфратузилмасида ушбу мактабларда таълим жараёнининг мазмунмоҳиятини тубдан яхшилаш кўзда тутилган бўлиб, бу болаларнинг истеъдод ва қобилиятини эрта, юқори даражада аниқлаш, уларни тайёрлашни таъминлаш имконини беради.

Табиийки, бундай замонавий ва яхши жиҳозланган мактабларда юксак малакали ўқитувчилар меҳнат қилиши керак. Шунинг учун мусиқа ва санъат мактабларини юксак малакали педагог кадрлар ва мутахассислар билан таъминлаш, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтиришга доир чора-тадбирлар ҳам ушбу Дастурнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади.

Бу ўринда гап, аввало, малака ошириш марказлари ва факультетларида болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари ҳамда концертмейстерларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ва кенгайтириш, олий ўқув юртларида мусиқа йўналишлари бўйича қабул квоталарини қайта кўриб чиқиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида мусиқа асбобларини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш ҳақида бормоқда.

Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқа ўқитувчиларини тайёрлашда ҳал қилувчи ўрин тутади. Замонавий моддий-техник база, юқори малакали педагоглар, бой тажрибага эга бўлган ушбу консерваторияда бунинг учун барча зарур шароитлар мавжуд. Шунинг учун консерваторияга мусиқа мактаблари фаолиятини ўқув-услубий жиҳатдан таъминлаш вазифаси юклатилмоқда.

Дастурда мусиқа ва санъат мактабларининг иқтидорли ўқувчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш чора-тадбирларига муҳим ўрин ажратилган. Кам таъминланган оилаларга мансуб истеъдодли болаларнинг ўқиши учун пул тўлаш бўйича имтиёз бериш, мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари иштирокида республика болалар фестиваллари ҳамда кўрик-танловларини мунтазам ўтказиш ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

Дастурнинг "Ёшлар йили"да қабул қилингани алоҳида аҳамият касб этади. Уни ўз вақтида ва тўлақонли амалга ошириш мамлакатимиз ёшлари истеъдоди ва қобилиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитиш ва маданият даражасини янада ошириш борасида яна бир муҳим қадам бўлади.

---

**ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР**

ПЕРУ:

## АРЕКИПА — ЗИЛЗИЛА МАРКАЗИ

***Reuters ахборот агентлигининг АҚШ картография ва геодезия ҳамда геология хизмати маълумотларига асосланган ҳолда тарқатган хабарига кўра, кеча Перуда силкиниш кучи олти баллга тенг бўлган зилзила содир бўлган.***

Зилзила ўчоғи Арекипа шаҳридан 53 километр шимоли-ғарбда жойлашган. Силкинишлар ер сатҳидан 74 километр чуқурликда қайд этилган.

Айни пайтга қадар зилзиладан азият чекканлар ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаяпти.

Арекипа майдони жиҳатидан Перудаги иккинчи йирик шаҳар ҳисобланиб, мамлакат пойтахти Лима шаҳридан 720 километр жанубда жойлашган. Мазкур шаҳардаги қадимий ёдгорликлар ЮНЕСКО томонидан муҳофазага олинган бўлиб, дунё аҳамиятига молик маданий ёдгорликлар қаторига киритилган.

АҚШ:

## ОБАМА МИНГАН САМОЛЁТ ҚЎНИШГА МАЖБУР БЎЛДИ

***АҚШ президентлигига номзод Барак Обама учиб кетаётган самолёт Сент-Луис шаҳри чеккасидаги аэродромда фавқулодда ҳолатда қўнишга мажбур бўлди.***

Обама ва унинг сайлов штаби аъзолари Чикагодан Шимолий Каролина штатининг Шарлотта шаҳрига учмоқда эдилар. Бироқ самолёт ҳавога кўтарилганидан бир соат вақт ўтгач, учувчи бошқарув тизимида носозликлар юзага келганини айтиб, самолётни тўхтатишини маълум қилган. Энг муҳими, самолёт ҳеч бир талофатсиз ерга қўндирилди.

Жамоатчилик ўртасида турли шов-шувлар тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида Обама самолёт бортидаёқ журналистларга интервью берди.

"Бундай ҳолатга биринчи марта дуч келаётганим йўқ. Учувчиларимиз ўз ишини яхши билишгани боис юзага келган мураккаб вазиятни бартараф этишни моҳирона уддалашди. Бунга ўхшаш воқеалар содир бўлганда, асосийси — камарни таққанингизга ишонч ҳосил қилишингиз лозим", — деди у.

ИСРОИЛ:

## МАМЛАКАТда СУВ МУАММОСИ

***The Jerusalem Postнинг мамлакат сув захиралари бошқармаси бошлиғи Ури Шанининг баёнотига асосланган ҳолда хабар беришича, жорий йилда Исроил сўнгги 80 йил ичида илк бора жиддий сув танқислиги муаммосига дуч келди.***

Бу ҳолатга асосан иқлим ўзгариши, хусусан, ёғингарчиликларнинг йилига 100 миллион куб метрга камайиб бораётгани сабаб бўлмоқда.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, жорий йилнинг декабрь ойига бориб мамлакатдаги асосий чучук сув манбаи бўлган Тивериад кўли сувининг сатҳи сезиларли даражада камайиб кетиши мумкин.

2009 йилга бориб эса сув таъминоти билан боғлиқ ҳолат янада ёмонлашади, дея тахмин қилинмоқда. Шу боисдан Исроил сув ресурслари бошқармаси бир қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқишни режалаштираяпти. Жумладан, сув танқислиги муаммосининг олдини олиш мақсадида қишлоқ хўжалигидаги суғориш ишларини чеклаш ва ичимлик сувининг нархини ошириш кўзда тутилган.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида Н.БЕРДИБОЕВА тайёрлади.**

---

Иш билганга балли!

**Жиззах вилояти**

# «ҲАР УСТАГА БИР ШОГИРД»

## ушбу ташаббус туфайли вилоятда ҳунарли ёшлар сафи тобора кенгаймоқда

***Жиззах шаҳридаги Оққўрғонлик маҳалласида кўплаб кулоллар яшайди. Айтишларича, бу ерда уларнинг олти авлод вакиллари шу ҳунар орқасидан ҳурмату шуҳрат топишган. Қашқадарёлик машҳур Бекназар кулол ўғиллари Холиқ, Ортиқ, Соиб ва Эгам кулоллар билан биргаликда Жиззах кулолчилик мактабига асос солганидан сўнг ҳудудда қанчадан-қанча кулоллар етишиб чиқди. Баҳром бобо Эгамов — ана шу кулоллар сулоласининг олтинчи авлоди вакили.***

— Ўн саккизинчи асрнинг бошларида боболаримиз оилалари билан Шаҳрисабздан Жиззахга келиб қўним топишган экан, — дейди Баҳром Эгамов. — Яқин йилларгача лойга қўшиб ишлатиладиган гил ва махсус қумни бошқа вилоятдан келтириб ишлатар эдик. Бу бирмунча қийинчиликлар туғдириб келди. Ҳозирда Жиззах тупроғидан фойдаланишимиз, сомон ва жун маҳсулотларининг шахсий хўжаликларимиздан чиқиши ҳисобига кулолчилик буюмларининг таннархини арзонлаштиришга эришдик. Айни пайтда оиламиз аъзоларнинг 14 нафари кулолчилик билан шуғулланади. «Ҳунар — ҳунардан унар» деганларидек, касбимиздан барака топиб турмуш кечиряпмиз. Ўғилларим ва келинларимдан 6 нафари шифокор ва ўқитувчи бўлсалар-да, вақт топганида бизга қўмаклашади. Ҳатто 4-5 ёшли набираларимиз ҳам лой ишлашни ўрганиб олишган. Қўл меҳнатида тайёрланган маҳсулотларимиз аввал офтобда тобланади. Сўнгра улар махсус ўчоқда юқори ҳарорат остида ҳафта давомида сақланади. Зуваласи ёдон пишган лойдан ясалган кулолчилик маҳсулотлари пишиқ бўлади ҳамда улардан узоқ вақт фойдаланиш мумкин.

Сулоланинг яна бир кулолчилик мактабини бугунги кунда Ғулом Холиқов ва унинг укаси Рустам, шогирдлари Умид, Хуршид, ўғиллари Темур, Ҳасан ва Зафарлар давом эттиришмоқда. Хизмат турларини кўпайтиришга жиддий эътибор қаратаётган кулоллар фуқароларнинг буюртмалари асосида иш юритишга киришдилар. Эндиликда улар тандир ва хумларни ўз транспортлари орқали мижозларига етказиб, ўрнатиб ҳам беришмоқда.

— Устахонада ҳунар эгаллаган шогирдларим ҳаётда ўз ўрнини топиб, мустақил иш юритиб кетганларидан хурсандман. Уларнинг кўмаги билан фаолиятимизни анча кенгайтирдик. Шаҳар маиший хизмат корхонаси билан тузилган шартномага кўра, корхонага даромадимизнинг маълум қисмини ўтказиб берамиз. Корхона эса бизни керакли хомашё билан таъминлайди, — дейди Ғулом кулол.

Жиззах кулолчилик мактабининг тажрибали усталаридан бири Тоиржон Холматовнинг кулолчилик касбини давом эттириб келаётганига анча йил бўлди. Шу давр мобайнида унинг мактабида ўнлаб йигитлар кулолчилик сирларини ўрганиб, ҳаётда ўз ўрнини топдилар. Устанинг саъй-ҳаракати билан Жиззах туманидаги бир қатор қишлоқларда кулолчилик цехлари очилиб, айни чоғда уларда ихлосманд ёшлар ҳунарли ва ишли бўлмоқда.

Жиззах шаҳри маҳаллаларида кулолчиликдан ташқари бешикчилик, ёғочсозлик, қандолатчилик, новвойлик, қассоблик, каштачилик, тўқувчилик, тикувчилик, дўппидўзлик ва ҳатто темирчилик соҳаларида ҳам «Уста-шогирд» анъанаси асосида иш олиб бораётганлар сафи тобора кенгаймоқда. Ғаллаорол, Фориш, Зомин ва Бахмал туманларида «Уста-шогирд» анъанаси асосида ўқувлар ташкиллаштирилди. Ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, айниқса кам таъминланган оилалар фарзандларини ҳунар ўрганишга жалб қилиш, уларни иш билан таъминлаш маҳаллий ҳокимликлар томонидан бош масалалардан этиб белгиланганги бу борадаги ишларнинг янада жонланишига сабаб бўлмоқда. «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгилаб қўйилганидек, «Ҳар бир устага — бир шогирд" ташаббуси вилоятнинг барча ҳудудларида қўллаб-қувватланяпти.

**Абдували ҚАРШИЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

---

**Самарқанд вилояти**

***Самарқанд шаҳридаги «Стеклопластик» очиқ акциядорлик жамиятида тайёрланаётган таълим ва тиббиёт муассасалари учун мебел жиҳозлари ҳамда спорт анжомлари кейинги пайтда харидоргир бўлиб бормоқда.***

**Ёшлар йилида корхона тендер танловлари якунига кўра, 354 мактаб ва 65 касб-ҳунар коллежини мебеллар билан жиҳозлашни ўз зиммасига олди. Бу ерда 31 турдаги спорт анжомлари ва 15 хил тиббий жиҳозлар ҳам тайёрланмоқда. Ҳозиргача маҳсулотларнинг асосий қисми буюртмачиларга етказиб берилди.**

**СУРАТДА:** *Самарқанд шаҳридаги «Стеклопластик» очиқ акциядорлик жамияти таъминот бўлими ишчиси Сарвиноз Ҳамидова билан техник назорат бўлими бошлиғи Надежда Зюбена.*

**Тоҳир НОРҚУЛОВ** *(ЎзА)* **олган сурат.**

---

Қарор ва ижро

**Андижон вилояти**

# ТОМОРҚАДАН ТОПГАНИНГИЗ — БЕМИННАТ!

***Баъзида қўни-қўшниларимиз, маҳалладошларимизнинг томорқаси бўла туриб, бозордан сабзавот, полиз маҳсулотлари кўтариб келаётганини кўрганимизда, "Қўшни, тайёр ерингиз бўлса, сув ҳам йўқ эмас. Бўш вақтларингизда фарзандларингиз билан чиқиб ишласангиз, томорқани гуллатасизку!" дегингиз келади. Тўғри, айримлар деҳқончилик ишларини юритолмайди ёки бунга ҳафсала қилмай, томорқасини қаровсиз қолдиради. Лекин томорқадан келиб турган даромад беминнат бўлади, оиланинг кам-кўстини тўлдиришга ярайди.***

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 ноябрдаги "Шахсий ва дала томорқаларига сабзавот, полиз, картошка экинлари экиш тўғрисида"ги қарорига асосан Избоскан туманидаги хонадонлар томорқаларида сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш бўйича алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва бугунги кунда ушбу режа жойларда изчил амалга оширилаётир.

— Шахсий томорқаси бўлатуриб, ўз эҳтиёжи ва имконияти даражасида сабзавот экинлари етиштирмайдиган ҳамюртларимиз ҳам йўқ эмас, — дейди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмасининг раиси Умарали Худойбердиев. — Туман ҳокимлигининг ёрдами билан барча маҳаллий бошқарув органларининг вакиллари иштирокида мавжуд аҳволни ўрганиб чиқдик. Таҳлиллар натижасидан маълум бўлдики, тумандаги 37342 хонадонда аҳолининг 1842 гектардан иборат томорқа ерлари мавжуд. Биз маҳалла фуқаролар йиғинларига 400 гектар майдонга помидор, 402 гектар майдонга сабзи, 182 гектар майдонга пиёз, 101 гектар майдонга карам, 158 гектар майдонга бошқа сабзавот экинлари экишни тавсия қилдик.

Туман ҳокимлиги томонидан ўз эҳтиёжидан ортиқча маҳсулот етиштиришга бел-боғлаган деҳқонларнинг кредитлар олишига кўмак берилди. Бу маблағлар уруғлик ва минерал ўғитлар, шунингдек, зараркунандаларга қарши кимёвий воситалар сотиб олишга сарфланди. Бугунги кунда деҳқонларимиз ўз шахсий томорқа хўжалигидан баракали ҳосил олиш мақсадида барча имкониятларни ишга солмоқда.

Туманда деҳқонларга амалий ёрдам бериш чоралари кўрилди. Жумладан, Ўртоқлар қишлоқ фуқаролар йиғинида кўргазмали семинар ўтказилди. Энг яхши натижаларга эришаётган 3 та оиланинг тажрибаси ўрганилди. Айниқса, Турсунбой Қўчқоров оқсоқоллик қилаётган Қўшкўприк маҳалласининг тажрибаси ҳаммага маъқул келди. 2,5 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган ушбу маҳаллада бу йил 140 тонна картошка, 35 тонна узум ва 365 тонна полиз маҳсулотларини етиштириш мўлжалланган.

— Биз шахсий хўжаликлар ва томорқаларда сабзавот, полиз, мева, узум етиштиришни кўпайтириш бўйича янги чора-тадбирларни ишлаб чиқяпмиз, — дейди Умарали Худойбердиев. — Шу асосда туманимиздаги бозорлар билан шартнома тузилиб, бўнак пуллари берилди. Натижада аҳоли томорқаларида етиштирилган маҳсулотлар бозор пештахталарини тўлдира бошлади.

**Узоқбой САКСОНБОЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

# Маҳалла посбони — маҳалла тинчлиги ҳимоячиси

*Бугун маҳаллаларимиз тараққиётини обод ва кўркам гузарлару замонавий иншоотлар, равон кўчалару сариштa хонадонлар билангина изоҳлаб бўлмайди. Негаки, ана шу обод гўшаларимизнинг истиқболдаги ривожи бевосита тинчлик-хотиржамлик, осойишталик омиллари билан боғлиқки, бу борада сергак ва ҳушёр маҳалла посбонларининг хизмату ҳиссаси катта бўлмоқда.*

*Хўш, маҳалла посбони ким ва у қандай бўлиши керак? Унинг зиммасидаги масъулиятли вазифалар сирасига нималар киради? Посбонларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари нималардан иборат? Маҳаллаларимиз осойишталигини таъминлашга масъул бўлган бу тузилма фаолиятини такомиллаштириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш учун олдимизда яна қандай вазифалар кўндаланг бўлиб турибди?*

*Яқинда пойтахтимиздаги Муқимий номидаги давлат мусиқали драма театрида "Ўзингни, уйингни, юртингни асра, ҳимоя қил, мард ўғлон!" мавзусида бўлиб ўтган семинарда шу ва шу каби саволлар атрофида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тадбирда ички ишлар идоралари раҳбар ходимлари, "Маҳалла" жамғармасининг республика бошқаруви, Тошкент вилояти бўлими ва жамғарманинг вилоятдаги туман ва шаҳар бўлинмалари мутасаддилари, фуқаролар йиғинлари раислари ва маҳалла посбонлари иштирок этдилар.*

*Таъкидлаш жоизки, айни пайтда "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари зиммасига юклатилган вазифалар қамрови кенг. Шу боис, ушбу тузилма раҳбарлари ва аъзолари ўз фаолияти давомида турли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда иш юритиши жоиз. Қолаверса, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари тўғрисида"ги Низом фуқаролар йиғинларида посбонлар фаолиятини йўлга қўйиш, иш самарадорлигини ошириш йўлида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.*

*Тадбирда "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари фаолияти Тошкент вилояти мисолида танқидий ва таҳлилий жиҳатдан муҳокама этилиб, истиқболда маҳалла посбонлари ишини янада жонлантириш, такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар ўртага ташланиб, шу асосда тавсиялар ишлаб чиқилди.*

*Қуйида "Ўзингни, уйингни, юртингни асра, ҳимоя қил, мард ўғлон!" мавзусидаги семинарда муҳокама этилган мавзу юзасидан сўзга чиққанларнинг маърузалари билан танишасиз.*

**СУРАТДА:** *"Ўзингни, уйингни, юртингни асра, ҳимоя қил, мард ўғлон!" мавзусидаги семинар иштирокчиларидан бир гуруҳи.*

**Анвар АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси.**

## СОҒЛОМ МУҲИТ МУАММОГА ЙЎЛ БЕРМАЙДИ

***Маҳалла фаоллари, профилактика нозири ва маҳалла посбони ҳамжиҳат иш юритган жойда тинчлик-осойишталик ҳукм суришини ҳаётий тажрибалар асослаб бермоқда. Бунда, айниқса, фуқаролар йиғинлари идоралари ҳамда милиция таянч пунктларининг бир жойда ёки ёнма-ён жойлашиши хизматчи ва ходимлар учун ҳам, аҳоли учун ҳам қатор қулайликлар туғдиряпти. Яъни бундай шароитда маҳалла аҳолиси зарур ишларини ортиқча оворагарчиликларсиз, маҳалла оқсоқоли ва ҳудудий профилактика инспекторлари билан бамаслаҳат амалга ошириш имкониятига эга бўлади.***

Маълумки, посбонлар сафига онгли равишда Ватан ва халқ манфаатлари йўлида садоқат билан беғараз хизмат қилишга тайёр, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом, имонэътиқодли, юксак инсоний ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган фуқаролар қабул қилинади. Посбон маҳаллада истиқомат қилади, маҳалла аҳлининг яхши-ёмон кунларида бирга бўлади, ҳудудда юз бераётган воқеалардан хабардор бўлади. Албатта, бу фуқароларнинг посбонлар билан эркин муносабатда бўлишига, кези келганда уларга ёрдам беришига сабаб бўлади. Шу боис, маҳаллада посбонлар кўмагидан унумли фойдаланиш орқали кўплаб муаммоларнинг олдини олиш ёки ҳал этиш мумкин.

Маҳалла посбонлари сардоридан ташқари тузилмага қабул қилинган посбонлар маошсиз, яъни жамоатчилик асосида иш юритадилар. Демак, тузилма ишини тизимли равишда йўлга қўйиш, посбонларга вазифаларни тақсимлаш ва уларни назорат қилиш вазифаси бевосита посбонлар сардори зиммасига катта масъулият юклайди. Қолаверса, тузилманинг жамоатчилик асосида ишлайдиган аъзоларини ички ишлар идоралари ва бошқа алоқадор ташкилотлар томонидан моддий рағбатлантириб туриш ҳам иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

«Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари тўғрисида»ги Низом ҳамда «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг 2008 йил иш режасига мувофиқ жорий йилнинг 20-24 май кунлари Тошкент вилоятида «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг иш фаолияти ўрганилди. Текширишлар натижасида тузилмалар фаолиятида эришилган ютуқлар билан бирга қатор камчиликлар ҳам борлиги аниқланди. Хусусан, маҳалла посбонларининг айримлари ўз хизмат вазифалари тўғрисида тўлиқ тушунчага эга эмаслиги, Низом талабларини яхши билмасликлари, фаолияти бўйича ҳужжатларни юритишда, ҳар чорак давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботларни тайёрлашда камчиликларга йўл қўйганлиги, ташкилий ва ҳамкорлик масалаларида ҳам етарли даражада иш олиб бормаганлиги маълум бўлди. Бундан посбонларга ўз фаолияти юзасидан маълумотлар бериш, малакасини ошириш, уларни илғор иш тажрибалари ва янгиликлар билан таништириб бориш олдимиздаги муҳим вазифалардан эканлиги кўриниб турибди. Чунки посбон ўз вазифасини, ҳуқуқ ва бурчларини яхши билса, маҳалла аҳли ўртасида обрў-эътибор қозонади, фаолиятда самарадорликка эришади.

Посбонлар фаолиятини ўрганиш давомида аниқланган камчиликлар атрофлича таҳлил қилиниб, зарур тавсиялар ишлаб чиқилди. Яъни фаолиятдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун маҳалла посбони ўзини ҳуқуқ-тартибот идораларининг, айниқса, профилактика инспекторларининг фаол кўмакчиси деб билиши, маҳалла хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлашга қаратилган барча ишларда сидқидилдан ёрдам бериши лозим. Чунончи, маҳаллада маънавий-ижтимоий соғлом муҳитни шакллантириш учун йиғин оқсоқоли, фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ҳамда профилактика инспектори билан ҳамкорликда давра суҳбати, кўрик-танлов ва турли мавзулардаги учрашувларни уюштиришда маҳалла посбонлари асосий ташкилотчилардан бўлиши керак. Чунки соғлом муҳит ҳудудда юзага келадиган турли муаммоларнинг олдини олади, маҳалла аҳлини бир мақсад атрофида жипслаштиришга ёрдам беради.

Маҳалла посбонлари фуқаролар йиғинлари томонидан пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, вақтинча ишламаётган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишларда, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган тадбирларда, оилаларда, қўни-қўшнилар ўртасида келиб чиқадиган низоларни бартараф этишда маҳалла оқсоқолининг энг яқин кўмакчилари саналади. Тўй-маъракалар ва маросимларни тартибли ўтказиш, хотин-қизлар билан ишлаш ва уларни турли бузғунчи ғоялар таъсиридан муҳофаза қилиш, ёш оилаларга кўмак бериш сингари қатор масалаларда эса диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ҳамда хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси билан биргаликда иш олиб боради.

Маҳаллада истиқомат қилувчи турли диний-экстремистик оқимларга кирган ёки уларнинг таъсирига мойиллиги бор шахсларни аниқлаб, профилактик ишларни олиб боришда ҳам маҳалла посбонлари фаол иштирок этиши шарт. Шунингдек, улар маҳалла билан боғлиқ ҳамда фуқаролар йиғини фаолиятига доир барча маълумотларга эга бўлиши, паспорт тизими тартиб-қоидаларига амал қилинишини қатъий назоратга олишлари зарур. Ички ишлар идоралари махсус рўйхатида турган шахсларнинг турмуш тарзини назорат қилиш ва улар билан профилактика инспектори иштирокида суҳбатлар олиб бориш, ҳудуддаги кўпқаватли уйлар ва маъмурий бинолар яқинида автотранспорт воситаларининг сақланишига йўл қўймаслик, кўчабоши ва уйбошилар, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларининг қоровуллари билан кундузги ва тунги навбатчиликларни ташкил қилиш ҳам посбонлар зиммасидаги муҳим вазифалардандир. Маҳалладаги нотинч оилалар, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган ота-оналар ҳамда бундай оилаларда тарбия топаётган вояга етмаган болалар билан ишлаш ҳам посбонларнинг асосий вазифалари сирасига киради.

Посбон тўлақонли фаолият кўрсатиши учун унга етарли шарт-шароит яратиб берилиши, зарур жиҳозлар ва алоқа воситалари билан таъминланиши шарт. Афсуски, айрим жойларда бунга етарлича эътибор берилмай келмоқда. Қолаверса, ҳар бир посбон махсус кўкрак нишони ва гувоҳномага эга бўлиши, биринчи навбатда, унинг ўз ишига масъулиятини, иккинчидан, фуқароларнинг унга нисбатан ишончини оширади.

«Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари олдига ҳам қатор масъулиятли вазифаларни қўйди. Ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, ёшларни қийнаётган муаммоларни аниқлаб, зарур чора-тадбирлар кўриш шулар жумласидандир. Маҳалла посбонлари ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратиб, уларни касб-ҳунарга йўналтириш, иш билан таъминлаш, бўш вақтларини мароқли ва мазмунли ташкил этиш каби ишларда фидойилик кўрсатмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла ҳаётига тааллуқли ҳар қандай масала посбон фаолияти учун ҳам дахлдордир. Буни ҳар бир посбон яхши англаб олиши, ҳис этиши ва ёдда тутиши лозим.

**Комилжон ШОДИМЕТОВ,**
**«Маҳалла» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси.**

## ҲУРМАТГА ЛОЙИҚ ХИЗМАТ

### маҳалла посбонларининг фаолиятига шундай баҳо бериш мумкин

***Бугунги кунда Тошкент вилоятидаги мавжуд 1282 та маҳаллада 853 та «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси ташкил этилган бўлиб, уларда 2324 нафар посбон, жумладан, 764 нафар посбонлар сардори фаолият кўрсатмоқда.***

Маҳалла посбонларининг фаолиятини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичларга асосланишимиз мумкин: жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят ҳудудида посбонлар томонидан 10722 та турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар, жумладан, экинларни пайҳон қилиш, ободонлаштириш тартибини бузиш, майда безориликлар, жамоат жойларида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, паспорт тартиби қоидаларини бузиш каби ҳуқуқбузарликлар содир этилгани аниқланган. Шунингдек, турли даражадаги оғир жиноятлар содир этилган 238 та ҳолатда жиноятчи шахсларнинг тегишли тартибда жавобгарликка тортилиши ва жиноятларнинг очилишида посбонлар ҳуқуқ-тартибот тизими ходимларига кўмак кўрсатганлар. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 20 та жиноят содир этилган ҳолат бевосита посбонлар томонидан фош этилди.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маҳалла посбонлари ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, жойлардаги ҳудудий профилактика нозирлари билан ҳамкорлик қилсалар-да, аслида уларнинг фаолият доираси кенг қамровли. Ёшлар билан ишлаш, йиғинда ўтказиладиган турли йўналишдаги тадбирларни, ободонлаштириш юмушларини ташкил этишга кўмаклашиш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш каби бир қатор юмушлар ҳам посбонлар зиммасида. Яъни посбонлик кишидан ҳушёрлик ва билимдонликни талаб этадиган масъулиятли вазифа. Ана шу масъулиятни тўғри англаган посбонлар ишлаётган маҳаллаларда уларнинг фаолияти ибратга арзигулик тарзда йўлга қўйилган.

Чирчиқ шаҳрида жойлашган маҳаллаларнинг 11 тасида, Тошкент туманидаги Наврўз, Алишер Навоий номидаги, Ангрен шаҳридаги Облиқ ва Соғлом, Янгийўл шаҳридаги Мустақиллик маҳаллаларида посбонлар ишини намунали, деб ҳисоблаш мумкин.

Маҳалла посбонлари иштирокида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида «Футболимиз келажаги», «Соғлом она ва бола», «Маҳалла паҳлавонлари», шунингдек, спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси ва бошқа турлари бўйича мусобақалар, турли тўгараклар ташкил этилиб, уларга маҳалла ёшларининг кенг жалб қилингани қувонарли ҳолдир. Бу билан чекланиб қолмасдан, жойларда "Ўз уйингни ўзинг асра", "Огоҳлик — давр талаби" каби мавзуларда давра суҳбатлари уюштирилиши лозим, деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги қарорига биноан тасдиқланган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари тўғрисида»ги Низом талабларига кўра, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари сардорларига маҳаллий бюджет ҳисобидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раисининг маошига тенг миқдорда ойлик маоши белгиланган.

Посбонлар фаолиятида самарадорликка эришиш учун посбонлар малакасини янада ошириб бориш, жойларда тез-тез ўқув семинарларини ташкил этиб туриш тақозо этилмоқда. «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасига аъзоликка кўнгилли равишда ёрдам бериш истагида бўлган, шахси тўлиқ ўрганилган шахсларни, айниқса, ёшларни кўпроқ қабул қилиш, посбонлар сардорининг вакант ўринларини тўлдиришга эришишимиз даркор. Қолаверса, вилоятдаги жамоатчилиик асосида фаолият юритаётган маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасини ташкил этиш замон талабидир.

Яна бир диққатга молик жиҳати шундаки, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ва "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими ташаббусига асосан, ҳозирда шаҳардаги маҳаллалар посбонлари махсус кийимлар билан таъминланди. Ушбу ташаббус Янгийўл шаҳри ва Тошкент туманидаги маҳаллалар томонидан ҳам амалда жорий этилмоқда. Келгусида маҳалла посбонлари учун махсус либос, қўлга ва кўкракка тақиладиган нишонларни вилоятдаги барча маҳаллаларда жорий этиш кўзда тутилган. Бу ўз навбатида посбонлар ишида самарадорликка эришиш учун асос бўлиши, шубҳасиз.

**"Маҳалла посбони" тузилмасига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз ишчанлик ва бошқарувчилик хусусиятлари билан ажралиб турувчи, ўз сафдошларига ҳар томонлама ўрнак бўла оладиган аъзоси маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг қарори билан раҳбар этиб тайинланади".**

*"Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари тўғрисида"ги Низомнинг 5-банди.*

**"Маҳалла посбонлари ўзлари яшаётган ҳудудда содир этилиши мумкин бўлган турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишда, содир этилган жиноятларни очишда, шунингдек, аҳоли билан турли профилактик ва огоҳлантирувчи мазмундаги тадбирларни ўтказишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг энг яқин кўмакчилари ҳисобланадилар".**

*"Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари тўғрисида"ги Низомнинг 16-банди.*

**Гайрат ПАРМОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи, майор.**

## ПОСБОН, АВВАЛО, ВАТАНПАРВАР БЎЛСИН!

***Ер куррасининг турли бурчакларида, бевосита бизга қўшни бўлган давлатларда рўй бераётган экстремистик руҳдаги нотинчликлар, бузғунчиликлар юртимизнинг ҳар бир фуқаросини хушёрликка, огоҳликка чорлайди. Ана шу ҳолатлар юртимиз маҳаллаларида жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Зотан, тинчлик, осойишталик ҳукм сурган макондагина тараққиёт, ривожланиш рўй бериши ҳаммамизга яхши маълум.***

Бу борада белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда ҳуқуқ-тартибот тизими ходимларига маҳалла посбонлари яқиндан ёрдам бермоқда. Айни пайтда Республика бўйича фуқаролар йиғинларида ўз ихтиёри ва қалб амри билан ўз халқи, қолаверса, маҳалладошлари манфаатлари учун садоқат билан хизмат қилишга бел боғлаган 50 мингдан ортиқ фуқаро «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларига жалб этилган бўлиб, улар посбонлик масъулиятини тўлақонли адо этишга интилиб ишламоқдалар.

Ҳозирги кунда маҳаллаларда йиғин раислари ва фаоллари, шунингдек, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи тузилмалар ташаббуси билан фуқароларнинг ҳушёрлигини оширишга қаратилган тадбирлар кўплаб ўтказиляпти. Аммо, улар орқали кутилган самарага эришилмоқдами? Бу тадбирларни ўтказишда аҳолининг турли вазиятларга таъсирчан қисми тўлиқ қамраб олиняптими? Бу тадбирларни ташкиллаштиришда бевосита маҳалла посбонларининг ўрни ва иштироки қандай бўлиши керак?

Ана шу каби бир қатор саволларга жавоб излаш асосида маҳалла тизимидаги кўплаб фаол ходимларнинг фидойи меҳнатини эътироф этган ҳолда, айрим йиғинларда ушбу масалага панжа орасидан қаралаётгани, турли иллатларнинг олдини олиш борасида лоқайдликка ва ўзибўларчиликка йўл қўйилаётгани ҳақида тўхталиш ўринли бўлади. Бу борада, айниқса, маҳалла посбонларининг имконияти жуда катта. Зеро, уларнинг барчаси ўзлари осойишталигини таъминлаётган гўшада туғилиб, вояга етгани боис ҳудуд шарт-шароитини, маҳалладошларини, хуллас, халқона айтганда, маҳалланинг пасту баландини яхши билади. Энг муҳим жиҳати шуки, уларнинг қалбида ўз яшаш макони — маҳалласи тинчлигини асраш туйғуси кучлидир. Бу ўринда маҳалла посбонларининг ана шу имкониятларини ишга солиш, юзага чиқариш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Бироқ, маҳалла посбонлари фаолияти таҳлилидан аён бўлмоқдаки, барча маҳаллаларда ҳам посбонлар иши самарали йўлга қўйилган эмас.

Тошкент вилояти маҳаллалари мисолида олсак, Оҳангарон шаҳридаги Хонобод, Гулистон, Қўрғон, Адолат маҳаллаларида бу вазифа посбонликка нолойиқ шахслар зиммасига юкланганини кўриш мумкин. Бундай ҳолат вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам учрайди. Жумладан, Ангрен шаҳридаги Чотқол маҳалласида анча муддатдан буён «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори лавозими бўшлиги сабабли бирорта ҳам посбон фаолият олиб бормаяпти.

Бундай ҳолатлар билан муроса қилиб бўладими? Йўқ, албатта!

Айрим маҳаллаларда посбонларнинг жамоат тузилмасига қабул қилинганлиги ёки тузилмадан чиқарилганлиги тўғрисидаги қарорлар расмийлаштирилмаган, улар томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Баъзи маҳаллаларда профилактика нозирлари маҳалла посбонларини танимайди, посбонларнинг вазифалари кўламини билмагани сабабли уларни фаолиятга йўналтирмаган.

Ана шу ҳолатларни инобатга олиб, жорий йилнинг март ойида «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Республика Ички ишлар вазирлиги томонидан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ташкил этилган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қўшма қарор қабул қилинди.

Мазкур қарорда маҳалла посбонларининг ички ишлар идоралари ходимлари, фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари билан ҳамкорликдаги фаолияти юзасидан «Услубий қўлланма» ишлаб чиқилиб, амалиётда фойдаланиш учун ҳар бир «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасига тарқатилди.

Бу тадбирлар ўз самарасини кўрсатиши шубҳасиз. «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасига маҳалладошлар орасида ҳурматга сазовор, айниқса, вояга етмаган ёшларни жипслаштира оладиган мавқега эга, фидойи ва ташаббускор, аҳолининг тинчлигини бузишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатга нисбатан муросасиз, онгли равишда Ватан ва халқ манфаатлари йўлида садоқат билан беғараз хизмат қилишга тайёр, ҳуқуқ-тартибот идораларига ва фуқаролар йиғини раисларига кўнгилли равишда ёрдам бериш истагини билдирган ёшларни қабул қилиш посбонларнинг фаолият самарадорлигини оширишда муҳим омилдир, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларига ёшларни кўпроқ жалб этиш ва уларнинг ўзаро тажриба алмашиши учун шароит яратиш учун посбонлар ўртасида шаҳар-туманлар ва вилоятлар миқёсида спорт мусобақалари ҳамда марафонлар ўтказиш каби оммавий тадбирлар ташкил этилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

**Абдужалил ҚОРАТОЕВ,**
**Янгийўл шаҳридаги Мустақиллик маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.**

## Низо маҳаллада барҳам топса...

### у КАТТА ЖАНЖАЛга айланиб кетмайди

***Маҳалламизда 4250 нафар фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш борасида посбонларимиз маҳалла маслаҳатчилари, йиғин қошида ташкил этилган комиссиялар раислари билан ҳамжиҳатликда фаолият юритишади.***

**СУРАТДА:** *Мустақиллик маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Абдужалил Қоратоев ва маҳалла посбонлари сардори Комил Ҳудоёров.*

Мазкур ҳамкорликнинг самараси ўлароқ маҳалламизда содир этилаётган жиноятлар сони тобора камайиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида ҳудудимизда 3 та жиноят содир этилган. Бу кўрсаткични 2007 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирадиган бўлсак, жиноятчилик тўрттага камайганини кўрамиз. Албатта, бу билан фахрланиб бўлмайди. Маҳалламизда умуман жиноят содир этилмаслиги учун кўпроқ ишлашимиз, аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот ишларини янада жонлантиришимиз зарур.

Таҳлиллар натижасида ушбу жиноятлар асосан маҳаллада вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар томонидан содир этилгани маълум бўлди. Демак, бу ўринда маҳалла посбонларидан ҳушёрликни янада ошириш талаб этилади. Шунинг учун улар ҳар бир хонадонни, у ерда истиқомат қилувчи фуқароларни яхшилаб ўрганиб чиқишади. Ҳозирга қадар маҳалладошларимиздан 35 нафари профилактик рўйхатга олинган бўлиб, улар профилактика нозири ҳамда посбонлар сардорининг доимий назоратида.

Энг муҳими, маҳаллада посбонларимизнинг ишлаши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Уларга ажратилган алоҳида хона зарур жиҳозлар ва алоқа воситалари билан таъминланган. Посбонлар кундалик ишларини махсус дафтарга қайд этиб боришади. Ички ишлар бўлимларида рўйхатда турувчи ҳамда маҳаллада вақтинча яшаётган фуқароларга алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, посбонлар Ёшлар йилида амалга ошириладиган тадбирлар режасини ҳам тузиб чиқишган. Унга кўра, ёшларимизнинг жиноят ва гиёҳвандлик кўчасига кириб қолишларининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш кўзда тутилган.

Ҳар бир фуқаролар йиғинидаги "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси самарали фаолият юритса, юртимизда тартиббузарлик, ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликка барҳам бериш, хусусан, оилаларнинг тотувлигига эришиш мумкин. Негаки, посбонлар нафақат жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, балки оилавий жанжаллар, келишмовчиликларнинг маҳалланинг ўзида барҳам топишига ҳам ҳисса қўшиб келишади. Баъзида шундай ҳолатлар ҳам учраб турадики, эр-хотинлар ўртасидаги кичик бир низо катта жанжалга айланиб, иш судгача етиб боради. Ваҳоланки, ушбу муаммони маҳаллада посбонлар ёки йиғин қошидаги яраштириш комиссияси томонидан ҳал этиш имконияти мавжуд. Яъни маҳалладаги муаммо маҳалланинг ўзида ечим топса, бу кутилган самарани бериши шубҳасиз. Шундай экан, бугун тузилма фаолиятини янада такомиллаштириш фуқаролар йиғинлари зиммасидаги энг масъулиятли вазифалардан бирига айланиши даркор.

*Саҳифадаги суратларни Р.ГАЛИЕВ олган.*

2008 йил — Ёшлар йили

# Ўзбек қизларининг Европадаги муваффақияти

*Успенский номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи ўқувчиси Нодира Дадамуҳамедова Будапешт шаҳрида ўтган ёш пианиночилар халқаро танловида биринчи ўринни эгаллади.*

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва қобилиятини тўла намоён этиши учун барча имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёш истеъдод эгаларининг турли халқаро танловларда қатнашиб, Ўзбекистон ёшлари салоҳиятини оламга танитаётгани ҳам ана шу ғамхўрлик самараларидандир.

Мусиқага ҳавас қўйган Н.Дадамуҳамедова Успенский номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейига ўқишга кирганида етти ёшда эди. У моҳир педагог Алла Ким раҳбарлик қилаётган синфда таҳсил ола бошлади.

Моҳир педагог Алла Кимнинг айтишича, фортепиано бўлимининг 6-синфини тугатган Н.Дадамуҳамедова ижодга ташна, тиришқоқ қиз. Нодира мамлакатимизда ўтказиб келинаётган "Санъат ғунчалари", "Янги авлод" каби кўрик-танловларда мунтазам иштирок этиб, ўз маҳоратини намойиш қилиб келмоқда. Унинг репертуаридан Мухтор Ашрафий, Икром Акбаров, Сайфи Жалил, Рустам Абдуллаев, Дилором Омонуллаева сингари ўзбек композиторлари билан бир қаторда жаҳон классик композиторларининг ҳам кўплаб асарлари ўрин олган. Нодира Греция, Франция, Италия, Эстония, Португалияда ўтказилган ёш пианиночиларнинг халқаро танловларида иштирок этиб, совринли ўринларга сазовор бўлган.

— Будапештда ўтган халқаро танловда Россия, Япония, АҚШ, Италия, Украина каби мамлакатлардан ёш пианиночилар иштирок этди, — дейди Нодира. — Мен Бетховен, Шопен, Бах асарларидан намуналар ижро этдим. Ижроим юксак баҳоланганидан ниҳоятда севиндим. Танловда лицейимиз ўқувчиларидан Зарина Агаева ва Тамара Акбарова ҳам ўз гуруҳларида ғолибликни қўлга киритди. Бу мамлакатимизда ёшлар камолотига берилаётган улкан эътибор самараларидандир. Биз, ёшлар бундай эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлишимиз ва Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксак бўлишига ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз керак.

**Бахтиёр МАНСУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**СУРАТДА:** *Нодира Дадамуҳамедова.*
**С.ЎРМОНОВ** (ЎзА) **олган сурат.**

Тарихдан тарикча

# ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

## ёхуд юртимиз пиллакорлиги тарихидан

***Буюк ипак йўли устида жойлашган Фарғона водийсида пилла етиштириш ва ипак ишлаб чиқариш жуда қадимдан ривожланган. Андижон, Қўқон, Наманган, Марғилон каби шаҳарларда ишлаб чиқарилган ипак матолар юқори сифати билан машҳур бўлган. 1813-1814 йилларда бир қанча муддат Қўқонда бўлган рус элчиси Филипп Назаров водий шаҳарларида пахтачилик, ипакчилик ва тўқимачилик анча тараққий этгани, тайёр газламалар чет мамлакатларга кўплаб чиқарилгани ҳақида ёзади. Н.Обручев эса «Ипакчилик водий аҳолисининг энг муҳим машғулотларидан бири бўлиб, бу ернинг ипаги сифатлилиги ва тозалиги билан ажралиб туради», деб ёзган эди.***

Тарихий манбаларда водийда 1860 йили 1000 пуд, 1869 йили 10 минг пуд, 1870 йили 15 минг пуд пилла етиштирилгани қайд этилган. XIX асрнинг 60-70-йилларида Қўқон хонлигида йилига ўртача 40 минг пуд пилла етиштирилган. 1874 йили Наманган уездида 600 минг сўмлик шойи ва шойи маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. 1890 йили Марғилон уездида 24 минг пуд пилла, 2700 пуд ипак етиштирилган, ҳар пуд ипак 210 сўмдан сотилган. 1899 йил водийда етиштирилган пилла салмоғи бутун Туркистон ўлкасида етиштирилган ҳосилнинг қарийб 80 фоизини ташкил этган.

Пилла хомашёси ва ипак маҳсулотлари савдо карвонлари орқали Россия, Қашқар, Бухоро, Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ва бошқа ўлкаларга чиқарилган. Ўрта Осиё босиб олингач, Россиядаги тўқимачилик фабрикаларига жўнатилаётган хомашёнинг ҳажми ортгани туфайли ўлка иқтисодида пиллачиликнинг аҳамияти тобора ошиб борди. «Туркистон ўлкасини қўлга киритиш билан рус ипакчилик саноатида янги давр бошланмоқда, чунки бу ўлка бутун Россияни пилла билан таъминлаши мумкин. Шунинг учун ҳам Туркистон пиллачилигини яхшилаш ва янада ривожлантириш давлат аҳамиятига эга масаладир», деб таъкидлаган эди Москва ипакчилик комитети. Тадқиқотчи К.Тимаевнинг маълумотига кўра, 1857-1867 йилларда ўлкадан Россияга 873681 сўмлик ипак чиқарилган. Туркистон пилласи четдан келтирилаётган хомашёга нисбатан анча арзон бўлганлиги сабабли, чор ҳукумати ўлкада пиллачиликни ривожлантиришга астойдил киришди.

1895-1905 йиллар давомида темир йўллар орқали Туркистондан Россияга пилла жўнатиш 80 мартага орди. Агроном М.Александровнинг маълумотига кўра, 1900 йили 11708 пуд, 1904 йили 63529 пуд, 1906 йили 82114 пуд, 1907 йили 82719 пуд, 1908 йили 86080 пуд пилла ва ипак Россияга жўнатилган. 1905 йили Закаспий темир йўли орқали 105200 пуд ипак, 1907 йили Фарғонадан 62070 пуд, Бухоро ва Хивадан 17262 пуд, Самарқанддан эса 8640 пуд ипак хорижга чиқарилган.

Орадан маълум муддат ўтгач, ўлкада пилла етиштириш бирмунча сусайди. Бу ҳол чор маъмурларини анча ташвишга солиб қўйди. Шу боис, 1909 йилнинг 10-12 апрелида Фарғона шаҳрида ипакчилик бўйича махсус съезд чақирилди. Унда қишлоқ хўжалиги, ер ишлари ва давлат мулки бўйича амалдорлар, ўлка ипакчилик марказлари бошлиқлари, пилла, ипак қурти ва ипак билан савдо қилувчи фирма ходимлари иштирок этди. Съезднинг кун тартибидан ўлкада, хусусан, Фарғона водийсида пилла етиштириш камайиб кетаётгани ва уни ривожлантириш асосий масала сифатида ўрин олди. Иштирокчилар водийда пахтачиликка нисбатан ипакчиликни ривожлантириш қулайлиги, бу ердан Россия саноати учун арзон хомашё олиш, энг ноқулай шароитда ҳам бу соҳадан йилига 3-3,5 миллион сўмлик даромад кўриш мумкинлигини таъкидлашди. Шунингдек, водийда йилига бир миллион пуд пилла етиштириш, шойи тўқиш фабрикаларини барпо этиш мумкинлиги ҳақида ҳам фикр билдиришди.

1905 йилга келиб водийда 591 та катта-кичик ҳунармандчилик туридаги шойи тўқиш корхонаси мавжуд эди. 1908-1909 йилларда биргина эски Марғилон шаҳрида 288 та пиллакорлик корхонаси бўлиб, шундан 79 таси мунтазам, 159 таси эса мавсумий ишлаб турган. XIX асрнинг 90-йилларида Туркистон ўлкасида 3 мингта ҳунармандчилик типидаги шойи тўқиш корхонаси фаолият кўрсатган. Водийда етиштирилган пилланинг бир қисми Франция, Италия ва Россияга жўнатилган бўлса, қолган қисми маҳаллий ҳунармандлар томонидан шойи тўқишда ишлатилган.

Биринчи жаҳон уруши туфайли ўлкада пилла етиштириш сезиларли даражада пасайди. Бу эса ўз навбатида пилла ва ипак баҳосининг кўтарилишига сабаб бўлди. 1918 йилда бир пуд пилланинг баҳоси 200 сўм бўлган бўлса, бир йилдан сўнг 800 сўмга етди. Бироқ ўлка Россияни пилла ва ипак хомашёси билан таъминлаб турди. XX асрнинг бошларида Фарғонадан Россияга, Каспий денгизи орқали Марсел (Франция), Милан (Италия) шаҳарларига 17 минг пуд ипак ва ипак маҳсулотлари чиқарилган.

Истиқлол йилларида юртимизда қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган пиллачиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда Марғилон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Наманган, Урганч, Шаҳрисабз шаҳарларида пиллачилик фабрикалари ва уларнинг 12 та филиали ишлаб турибди. Бу корхоналарда ҳар йили 30 минг тонна атрофидаги пилла хомашёси қайта ишланади.

**Рашид БОЙТИЛЛАЕВ**

Хотира уйғонса, гўзалдир!

# «ТАМАННО»ни ТИНГЛАБ...

***Халқимизнинг шундай санъаткорлари борки, уларнинг ижод маҳсуллари авлодлардан авлодларга ўтиб, бебаҳо маънавий мерос сифатида қадрли бўлиб қолаверади.***

*Музаффар қори Мирмаҳмудов*

Эл-юрт меҳрини қозонган моҳир созанда, хушовоз хонанда марҳум Музаффар қори Мирмаҳмудов ҳам шундай инсонлардан эди. Музаффар қори Мирмаҳмудов найда маҳорат билан ижро этган «Чўли ироқ», «Эй садо», «Таманно» каби ўнлаб мумтоз куйлар, мумтоз қўшиқлар Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг олтин фондидан жой олган.

Яқинда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти тасарруфидаги «Санъат гулшани» маданият саройида «Барҳаёт сиймолар» шиори остида хонанда ва созанда Музаффар қори Мирмаҳмудов хотирасига бағишланган бадиий-мусиқий кеча бўлиб ўтди. Кечада таниқли санъат арбоблари, марҳум санъаткорнинг устозлари ва шогирдлари, санъат ихлосмандлари иштирок этишди.

**СУРАТДА:** *хотира кечасидан лавҳа: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Оролмирза Сафаров ва доирачи Мирмаҳмуд Ҳусанов.*

М.Мирмаҳмудов Тошкентда туғилган, пойтахтдаги Й.Охунбобоев номидаги махсус мактаб-интернатда ўқиб, тарбия олган. Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида най сози чолғучиси мутахассислиги бўйича таҳсил олган. Бир неча йил Тошкент шаҳридаги кўзи ожизлар маданият саройида ташкил этилган «Дил куйласин» мусиқа дастасида фаолият кўрсатган, ўзбек миллий мусиқаси тўгарагига раҳбарлик қилган эди.

М.Мирмаҳмудов ижодий фаолиятининг асосий қисми Тошкент вилояти Зангиота туманида ташкил этилган «Ҳосил» мақомчилик халқ ансамбли билан боғлиқ бўлиб, санъаткор бу жамоада узоқ йиллар мусиқа раҳбари сифатида меҳнат қилган эди. Ушбу ансамблнинг нафақат юртимизда, балки Германия, Швейцария, Бельгия, Туркия каби кўплаб хорижий мамлакатларда ижодий сафарларда бўлиб, муваффақият қозонишида унинг ҳиссаси катта бўлган. М.Мирмаҳмудов ёшларимиз қалбида миллий мумтоз санъатимизга меҳр ва ҳурмат уйғотиш борасида ҳам кўп меҳнат қилган, хусусан, у ўз ташаббуси билан Тошкент шаҳридаги ўқувчилар ижодиёти марказида ўзбек миллий халқ куй-қўшиқларини ўрганиш тўгарагини ташкил қилиб, ёшларга сабоқ берганди.

Хотира кечасида М.Мирмаҳмудовнинг шогирдлари, ҳамкасблари сўзга чиқиб, устоз сабоқлари ҳақида сўзладилар ва ўз санъатларини намойиш этдилар.

М.Мирмаҳмудов яшаган Учтепа туманидаги Боғобод маҳалласи оқсоқоли Абдуллажон Орипов санъаткорнинг нафақат ўз маҳалласида, балки пойтахтдаги кўплаб маҳаллаларда ўтказилган маданий-маърифий тадбирларда қатнашди, давраларга файз ва мазмун бағишлаганини эътироф этди.

**Муҳаббат ТУРОБОВА**

Бунисига нима дейсиз?

# «МУСОФИР»нинг МУДДАОСИ

## ёхуд товламачиликнинг замонавийлашгани хусусида

***...Пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бирида ёши 45-50 ларни қоралаган бир киши менга мурожаат қилди:***

***— Кечирасиз, сиздан бир нарса сўрасам майлими?***

***Қишлоқдан келган бўлса, биронта идорани тополмай юрган шекилли, деб ўйладим.***

***— Адашдингизми?***

***— Йўқ, ундай эмас. Ука, мен бухороликман, Шофиркондан. Оиламиз билан Тошкентни зиёрат қилишга келгандик. Машинамиз бузилиб қолди. Бир ҳафтадан бери кетолмаймиз, пулимиз ҳам тугади. Хотиним, икки ўғлим меҳмонхонада, ҳеч бўлмаса иккита нонга ёрдам қилолмайсизми? Укажон, мусофирчилик ёмон экан...***

Шу куни маош олгандим. Савоб иш ҳам қилиб туриш керак-да, деган хаёлда чўнтагимдан 1000 сўм чиқариб бердим. Мусофир пулни чўнтагига соларкан, «Раҳмат, бирингизга минг берсин», дея қадамини тезлатди. Орадан бир ой чамаси вақт ўтиб, ўша кунги «мусофир»ни Амир Темур номидаги хиёбонда, бир талаба қиздан пул тиланаётган пайтда учратдим.

— Қизим, Андижондан келганмиз. Ўғлимнинг тоби қочиб, касалхонага тушди. Хотиним унинг ёнида, дорига пул керак эди...

Кейинчалик бу кишининг истироҳат боғида, Матбуотчилар кўчасида шу йўсинда тиланчилик қилиб юрганини яна бир неча бор кўрдим. Ҳатто бир сафар унинг сочлари оппоқ нуроний отахонга «изҳори дил» қилаётганини кўриб, жуда таажжубландим. «Қизиқ, бу сафар у ўзини қаерлик деб таништираётган экан?» Бир ўйим, отахонга бу одамнинг дийдиёсига эътибор бермасликни айтиб, ёлғончи мусофирни фош қилсамми, деб ўйладим. Уларга яқинлашдим, «мусофир»дан спиртли ичимлик иси анқиб турарди. Маст одам билан пачакилашгим келмай, уни фош қилиш шаштимдан қайтдим. Лекин мана шу воқеа анча вақтгача ўй-хаёлимни банд этди.

Хўш, кап-катта одамнинг бу кўйга тушишига сабаб нима? Кўринишидан бинойидек, тиланчи демайсиз уни. Йўқчилик десак, ношукрлик бўлади. Худога шукр, тўкин замонда яшаяпмиз, бир ишнинг бошини тутса, ҳеч ким хор бўлмайди. Майиб-мажруҳ десак, юриш-туришидан тўрт мучаси соппа-соғга ўхшайди. Унинг бу ишини фирибгарликнинг бир тури, ўзини эса «фирибгар-тиланчи», десак тўғрироқ бўлади. Юртдошларимиз саховатли, ҳар биримиз имкони борича ночор одамга ёрдам қўлини чўзсам, деймиз. Ҳар қандай ёлғонни дўндирувчи бояги киши сингари фирибгарлар эса бундан фойдаланишяпти, чамамда...

Ҳозирги кунда бундай фирибгарларнинг «баҳонаи сабаб»лари, «иш» услублари ҳам анча-мунча замонавийлашган. Масалан, «Тузалмас дардга йўликдим, мураккаб операция қилдирмоқчиман», деб одамларни алдаб пул йиғаётганлар ҳам бор. Энг ажабланарлиси, уларнинг фирибгарлигини юзига солиб, изза қилгудек бўлсангиз, тутоқиб, сизни бағритошликда, савобдан юз ўгирганликда айблашдан ҳам тойишмайди.

Урушдан кейинги қаҳатчилик йилларида яшаган нуронийларимиздан кўп эшитганмиз, одамлар очдан ўлмаслик учун кўча-кўйда бировлардан тиланишга мажбур бўлганлар. Бир бурда нон топиш катта муаммо ҳисобланган ўша замонларни ҳозирги тўкин ҳаётимизга солиштирсак, осмон билан ерча фарқи бор. Меҳнатдан бўйин тортмаган одам учун қанчадан қанча имкониятлар эшиги очиқ.

Тўғри, орамизда ўзгалар кўмагига муҳтож кишилар, бева-бечора, етимесирлар бор. Улар давлатимизнинг ижтимоий ҳимоясидан, маҳалла-кўй, қўни-қўшниларнинг меҳр-мурувватидан, хайр-эҳсонидан баҳраманд бўлишяпти. Муқаддас ҳадислардан бирида: «Тиланчилик нима эканлигини билганларингда эди, ҳеч қайсингиз бирор кишидан ҳеч нарса сўрамас эдингиз», дейилган экан. «Мусофир» қиёфасидаги ўша эркак эса на меҳнаткашу, на муҳтож. У эркаклик шаънидан кечган, давангирдек савлати билан отаси тенги қариядан, балки қизию ўғли тенги талабалардан товламачилик билан ичкилик учун пул ундираётган тубан бир кимса, холос. Балки, бирон маконда рўзғорию, ўғил-қизлари ҳам бордир, шу кимсанинг. Оила боқиш, рўзғор тебратиш заҳматидан, фарзандларини тарбиялаш масъулиятидан қочиб, шу тахлит куни ўтганига шод бўлиб юргандир. Тўғриси, бу одамга ва унга ўхшаганларга бирон чора қўллаб бўладимий-йўқми, билмаймиз. Лекин уларнинг аҳволидан ўзимиз учун тўғри хулоса ясашга, фирибига алданмасликка, энг муҳими, ёшларимизга салбий ўрнак бўлишига йўл қўймасликка бурчлимиз. Шундай эмасми, азиз муштарий?..

**Бектош ИСМОИЛОВ**

# Донолларнинг дурдона фикрлари

**Мазлумга яхшилик қилсанг — золимдан омонда бўласан. Агар кучлилардан зарар кўрмайин десанг, кучсизларга фойда етказ.**

*Алишер НАВОИЙ*

**Ҳар бир инсон ниманидир тўғри, деб ҳисоблайди. Бу ҳолат донога ҳам, аҳмоққа ҳам бирдек тегишли. Бироқ улар тўғри деб топган нарсалар бир-бирига ўхшамайди. Доно билан аҳмоқ ўртасидаги фарқ ана шундадир.**

*Сюн-ЦЗИ*

**Шошилиш, енгилгелпи ишларга ҳавас, жаҳлдорлик — нодонлар иши. Шошиб қилинган ишнинг охири бахайр бўлмаганидек, шошилиб пиширилган овқат ҳам кишини касал қилади.**

*Юсуф Хос ХОЖИБ*

**Фақат ўзингга ва жасоратингга асосланган ҳимоядан яхшироғи, ишончлироғи, пишиқроғи йўқ.**

*МАКИАВЕЛЛИ*

Билиб қўйган яхши!

# Пацирикдан қолган мерос

***Бугунги кунда вақтни белгиловчи восита ҳисобланган соатларнинг тури жуда кўп. Бироқ том маънодаги механик соатни IX асрда италиялик Пацирик исмли соатсоз ихтиро қилган. XIV асрдан шпинделли механик соатларни ясаш расм бўла бошлади. Ушбу соатларда ҳозирда деворга осиладиган соатларнинг барча асосий қисмлари мавжуд бўлган.***

Россияда эса 1404 йилда руҳоний Л.Сербин улкан миноравий соат ясаб, уни Москва шаҳридаги Кремлга ўрнатган. XV-XVII асрларга бориб миноравий соатлар ясаш кенг расм бўлди. XVI аср бошида нюрнберглик чилангар П.Ханлейн спиралсимон пўлат пружина билан ишлайдиган шпинделли чўнтак соатини ясаган. Бундай соатлар ёнда олиб юриш учун қулай бўлгани боис, жуда кенг тарқалди. Ўз навбатида буюк итальян олими Г.Галилей томонидан маятник тебраниши билан боғлиқ қонуниятнинг кашф қилингани ҳам аниқ ишлайдиган соатнинг яратилишида муҳим аҳамият касб этган.

Ҳозирги замонда кенг қўлланиладиган механик соатларнинг ихтирочиси эса машҳур голланд олими Х.Гюйченс ҳисобланади.

**Акбар АЛИЕВ тайёрлади.**

*Б.КАЛОНОВ чизган расм.*

## МУНАЖЖИМЛАР ТАЬБИРИ

**ҚЎЙ (21.03-21.04)**

Яқин кунларда ҳаётингизда рўй бериши кутилаётган қувончли ҳодиса туфайли омадли инсон эканингизга яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз. Атрофдагилар билан самимий муносабатда бўлишни унутманг.

**СИГИР(22.04-20.05)**

Мазкур бурж вакиллари шу кунларда ўзларида ғайрат-шижоат билан ишлашга иштиёқ сезадилар. Албатта, бу бесамар кетмайди, муносиб рағбатга эга бўласиз. Вақтни бой бермай, ишга киришинг.

**ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)**

Табиатингиздаги олижаноблик айрим масалаларда сизга панд бериб қўйиши мумкин. Бироқ худди шу фазилатингиз туфайли яхши инсонлар назарига тушасиз. Бу бахтли келажагингиз учун пойдевор бўлиши мумкин.

**КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)**

Анчадан буён сизга тинчлик бермай келаётган муаммо ҳал бўлиш арафасида. Хавотир ва ташвишлардан халос бўлганингиз туфайли орттирган хурсандчилигингизни яқинларингиз ва дўстларингиз билан баҳам кўринг.

**АРСЛОН (23.07-22.08)**

Хайрли ишлар қилиб, дилни поклаш ниятида юрган ушбу бурж вакиллари шу кунларда савобли ишларга рағбат сезадилар. Эзгу ниятингизни ҳеч иккиланмай амалга ошираверинг.

**ПАРИЗОД(23.08-22.09)**

Яқин кунларда кутилмаган учрашувлар ва муваффақиятлар оғушида қоласиз. Лекин ҳушёрликни қўлдан берманг, бошда сизга омад бўлиб туюлган нарса сароб бўлиб чиқиши мумкин.

**ТАРОЗИ (23.09-22.10)**

Иқтидорли ва ташаббускор эканингизни кўрсатиш учун қулай имконият пайдо бўлади. Уни қўлдан бой бермасликка уринг. Зеро, бу ўзингизга ишонч ҳосил қилишингиз учун ҳам муҳим.

**ЧАЁН (23.10-22.11)**

Кайфиятингизни арзимас дилхираликларни деб бузмасликка ҳаракат қилинг. Ахир олдинда сизни катта ишлар кутиб турибди. Иш юзасидан қилиниши кутилаётган таклифга рози бўлсангиз, хато қилмайсиз.

**ЎҚОТАР (23.11-21.12)**

Талабчанлигингиз ва инжиклигингиз туфайли яқинларингизни хафа қилиб қўйишингиз мумкин. Мағрурликни четга суриб, уларнинг кўнглини олишга, хатоингизни такрорламасликка ҳаракат қилинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)**

Айни жазирама кунларда соғлиғингиз билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Шу боис, дам олишга ва ўзингизни ортиқча уринтирмасликка ҳаракат қилинг.

**ҚОВҒА (20.01-18.02)**

Олдингизга улуғ мақсадлар қўйинг, уларга эришмоқ учун интилинг. Унутманг, майда-чуйда орзу-ҳаваслар орасида инсон майдалашади, улуғ мақсадлар эса буюклик сари етаклайди.

**БАЛИК (19.02-20.03)**

Моддий жиҳатдан аҳволингизни ўнглаб олиш учун имкониятлар пайдо бўлади. Пул илинжида ножоиз ишларга аралашиб қолмаслик учун етти ўлчаб бир кесганингиз, дўстлар билан маслаҳатлашганингиз маъқул.

СП ООО "COLDSHIF" сообщает, что утерянний договор лизинга N 01 от 04.12.2003г. и дополнительное соглашение N 1 от 08.03.2004г. заключенного между компанией "REN Inc" и СП ООО "COLDSHIF" считать не действительними.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шухрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: Ҳамза Абдуллаев
Мусаҳҳиҳ: Шаҳноза Эргашева
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

2008 йил 9 июль 27-28 (629-630)

11294 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-620 Топширилди — 00.55
1 2 3 4 6